

МАХАМАДХОДЖАЕВ Бахромхужа
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азхар
кафедраси ўқитувчиси

САЛЖУҚИЙЛАР ДАВРИДАГИ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ МУҲИТ

СОЦИОКУЛЬТУРНАЯ СРЕДА В ПЕРИОД СЕЛЬДЖУКОВ

SOCIO-CULTURAL ENVIRONMENT IN THE SELJUK PERIOD

Аннотация. Мақолада Бухородан чиққан фақиҳ Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ ал-Ханафий ал-Бухорий ал-Ҳалвоний яшаган даврнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳолати ҳақида маълумотлар келтирилган. Кўплаб табақот ва тароҷим китобларида зикр қилинганидек уламоларнинг турли соҳаларга оид китоблар ёзиб қолдиргани Имом ал-Ҳалвоний роҳимаҳуллоҳ яшаган мазкур давр чинакам илмий ва маданий уйғониш даври бўлганига ёрқин далил бўлади.

Калит сўзлар: Маворауннаҳр, ал-Ҳалвоний, Бухоро, сиёсий, ижтимоий, маданий, уйғониш даври.

Аннотация. В статье приводятся сведения о политической, социальной и культурной обстановке того периода, когда жил правовед Абдулазиз ибн Ахмад ибн Наср ибн Салих ал-Ханафи аль-Бухари аль-Халвани, выходец из Бухары. Как упоминается во многих книгах о табакатах и тароҷим, тот факт, что ученые писали книги по различным областям, является явным свидетельством того, что этот период, в котором жил Имам ал-Халвани, был периодом настоящего научного и культурного возрождения.

Ключевые слова: Маворауннахр, аль-Халвани, Бухара, политический, социальный, культурный, ренессанс.

Annotation. The article provides information about the political, social and cultural situation of the period when the jurist Abdulaziz ibn Ahmad ibn Nasr ibn Salih al-Hanaf al-Bukhari al-Khalvani, a native of Bukhara, lived. As mentioned in many books on tabakat and

tarojim, the fact that scholars wrote books on various fields is a clear indication that this period, in which Imam al-Khalwani lived, was a period of real scientific and cultural renaissance.

Keywords: Mavoraunnahr, al-Khalwani, Bukhara, political, social, cultural, renaissance.

КИРИШ

Фақиҳ Шамсул Аимма Абдулазиз ал-Ҳалвоний Бухоро қошидаги Бумижкас қишлоғида туғилган. Шунинг учун у кишига Бухорий деб ҳам нисбат берилади. Бухоро шаҳри Маворауннаҳрнинг энг катта шаҳарларидан бири бўлиб у ерга Омул аш-шатт шаҳридан борилади. Мазкур шаҳар билан Жайхуннинг ораси икки кунлик йўлдир. Сомонийлар шоҳи Исломга киришидан аввал Бухоро шаҳри унинг қароргоҳи бўлган. Бухоро шаҳри боғлари кўп, мевалари мўл қадимий шаҳардир. Унинг мевалари ўн икки марҳала узокликдаги Марв шаҳрига, ўн беш кунлик масофадан узокрокдаги Хоразм шаҳрига олиб борилади. Бухоро шаҳри билан Самарқанднинг орасида масофа етти кунлик йўлдир ёки ўттиз етти фарсахдир. Бир фарсах эса уч милдир [1:1/250].

Имом ал-Ҳалвоний яшаган даврда Ислом салтанати шарқида қатор муҳим ҳодисалар рўй берган. Бухоро шаҳри Сомонийлар давлатининг пойтахти эди, лекин хижрий тўртинчи аср охирига келиб Мовароуннаҳр устидан туркий сулола ҳукмронлик қилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Сиёсий ҳолат. Мавжуд тарихий маълумотларга кўра Маҳмуд Ғазнавий ва Абу Наср ибн Али хижрий 389 йилда Сомонийлар давлатини ағдаришга муваффақ бўладилар. Сўнг Маҳмуд Ғазнавий Ғазна шаҳрида кўним топади ва мазкур шаҳарни ўз давлатининг пойтахтига айлантиради. Элоқхон Абу Наср Мовароуннаҳрга кўз тикади ва натижада Маҳмуд Ғазнавий билан низолашиб қолади. Ғазнавийлар ва қорахонийлар ўртасидаги бу низо Элоқхон Абу Наср ўлиmidан кейин ҳам давом этади [2:279/1]. Охир-окибат

Абу Насрнинг акаси султон Маҳмудга сулҳ таклиф қилиб мактуб йўллайди. Мактубда «Сиз Ҳинд ўлкасини забт этиш билан машғул бўлишингиз, мен эса Турк ерларини забт этиш билан машғул бўлишим ҳамда бир-биримизни тинч қўйишимиз Ислом учун фойдалидир», - деб ёзилган эди [3:188/9]. Маҳмуд Ғазнавийга бу таклиф маъкул келади ва розилик хатини жўнатади. Натижада ўртадаги низо барҳам топиб икковлари кофирларга қарши жанг қилиш билан машғул бўлишади.

Исломни қабул қилган мазкур туркий сулолани тарихчилар элоқхонлар ёки Туркистон хоқонлари деб аташади. Ушбу хоқонийлар (ёки қорахонийлар) сулоласи ҳижрий тўртинчи асрдан бошлаб еттинчи асргача Мовароуннаҳр устидан ҳукмронлик қилган. Уларнинг сиёсати ғалаёнларга бой бўлган, барқарорлик бўлмаган. Уларнинг амирлари ўртасидаги низолар фақат қилич ишга солинсагина ёки бошқа подшоҳлар аралашсагина барҳам топган.

Қорахонийларнинг сиёсий тизими заифлигидан аввал Ғазнавийлар сўнг Салжуқийлар фойдаланишган. Охир-оқибат Салжуқийлар хонадонининг султонлари Маликшоҳ билан унинг ўғли Санжар мазкур ўлка бошқарувини қўлга олишган. Лекин мазкур юртнинг илк амири Абу Наср Аҳмад ибн Алининг яхши, одил, гўзал хулқли киши бўлганини, шунингдек, дин ва диндорларга муҳаббатли ҳамда илм ва илм аҳлига эҳтиромли бўлганини, уларга яхши муомала қилгани манбалардан маълум [3:188/9].

Сўнг тарихчилар ҳижрий 482 йилдаги воқеаларни, яъни Мовароуннаҳр уламоларининг амир Аҳмадхоннинг зулмидан шикоят қилганини эслашади. Чунки мазкур амирнинг хулқи ёмон бўлган, одамлар ундан нафратланишган ва Салжуқий султондан ёрдам сўраб унга яширинча хат ёзишган. «Келиб юртимизни ўзингиз бошқаринг», - дейишган. Натижада Маликшоҳ Салжуқий катта қўшин тўплаб Мовароуннаҳрга ҳужум қилган ва Бухорою Самарқанд устидан ҳукмронлик қилган [3:155/10].

Тарихчилар Мовароуннаҳр қулашининг сабабларидан бири сифатида ҳижрий 609 йилда мусулмонларнинг ўша пайтдаги қорахитой

султонга қарши қилган қўзғолонини зикр қиладилар [4:206/3]. Чунки мазкур султон бутпараст ва золим эди. Ушбу даврдаги Ислом салтанати шарқидаги ҳолатга келсак тарихчилар мазкур даврни оғир ва машаққатли ҳодисалар замони деб ҳисоблашади. Бағдоддаги Аббосийлар халифалиги тизимининг заифлиги натижасида сиёсатда ғарбий кучлар пайдо бўлди. Шунингдек, жамиятда нотинчлик ҳукмрон бўлди, мазҳаблараро фитналар юзага келди ва диний ихтилофлар кўпайди.

Баъзи тарихчи уламоларнинг фикрича Аббосийлар халифалигининг заиф бўлишига сабаб халифалар шахсиятининг заифлиги бўлмаган, балки халифаликдаги тизимнинг заифлиги ҳамда марказлаштирилган тизимдан номарказлаштирилган тизимга ўтиш сабаб бўлган [5:283-308]. Бундай фикрнинг далили шуки, Аббосийлар халифалиги турли манбалардан куч оларди ва уларнинг энг асосийси Аббосийлар даъват ташкилотининг раҳбарлари эди. Улар кучли даъват ришталари орқали халифалик марказига боғланган эди ҳамда уларнинг бошқа шаҳарларда кўплаб ёрдамчилари бор эди. Шунингдек, уларнинг бошқа кучли бўлимлар билан алоқадорлиги сабабли мазкур тизим Аббосийлар халифалигининг барқарорлигини таъминлаб турарди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тизимни қувватлаб турган мазкур манбалар ушбу даврда заифлашиб аста-секин йўқ бўлиб кетди.

Бундан ташқари Аббосийлар халифалиги ташкил этилган пайтдан бошлаб Аббосийлар давлатнинг шиори турли халқлар ўртасида тенглик тамойили бўлган. Бироқ халифалик Бағдоддаги марказлаштирилган куч ва номарказлаштирилган кучлар (яъни Аббосийлар давлатининг турли ўлкаларидаги мазкур тамойил натижасида ривожланган номарказлаштирилган кучлар) ўртасида одиллик ва ҳақлик билан мувозанат ўрнатишга қодир бўлмаган [5:285].

Халифалик тизими заифлигининг сабабларидан яна бири шуки, халифалар аввал форсларга сўнг туркларга суянишган, шунингдек, фидокорлик билан уларни турли мансабларга тайинлаб арабларни бошқариш

имконини беришган. Холбуки араблар Исломнинг ўзаги ва араб давлатининг асоси эди. Бундан ташқари, зиндиклар ва ботинийларнинг кўплаб бидъатлари пайдо бўлган. Улар ўзларини мусулмон қилиб кўрсатишар эди, лекин ёмон мақсадларини яширишарди, улар шунингдек, арабий ва исломий давлат асосларини йўқ қилишни режалаштира бошлашди [6:17/3].

Бироқ ушбу даврда Шарқда пайдо бўлган ва ҳокимият жиловини қўлга олган катта кучлар иккита эди: Бувайҳийлар ва Салжукийлар. Бувайҳийлар уч ака-укадан иборат оила бўлиб, улар Бувайҳнинг ўғиллари Али, Ҳасан ва Аҳмад эди. Бувайҳ Қазвин (Каспий) денгизи бўйидаги дайламлик овчи эди. Унинг фарзандлари ҳаётини лашкарбошиликдан бошлашган ва Аббосийлар халифалиги тизимининг заифлигидан фойдаланишган.

Бувайҳийлар Форс давлатининг учта шаҳрида ҳукмронлик ўрнатади, сўнг Али ибн Бувайҳ (қўшин тортиб) Аҳвозга сўнг Ироққа юриш қилади. Унинг акаси Аҳмад ибн Бувайҳ эса Воситни эгаллайди. Бағдоддаги баъзи лашкарбошилар Аҳмадга хат ёзишади ва Бағдодга ҳам юриш қилиб бу ерни забт этишини сўрашади. Аҳмад Бағдодга юриш қилади ва шаҳарга киради. Уни халифа Мустақфий Биллаҳ қарши олади. Халифа Мустақфий шу кун Бувайҳнинг ўғилларига турли хил шарафли номлар беради. Уларнинг тўнғичи бўлмиш Алини «Форс юрти соҳиби, давлат устун», - деб номлайди. Ҳасанни «Рай ва Жабал соҳиби, давлат асоси», - деб номлайди, Аҳмадни эса «Ироқ соҳиби, давлат қуввати», - деб номлайди ҳамда уларнинг номларини ва куняларини пулларга зарб қилиб туширишни буюради. Уларнинг шарқий халифаликдаги ҳукмронлиги ҳижрий 334 йилдан 447 йилгача давом этади.

Беруний уларнинг ҳукмронлиги ҳақида шундай дейди: «Муттакий халифалигининг охириги кунларида ва Мустақфий халифалигининг аввалги кунларида давлат ва мулк Аббос авлодидан Бувайҳ авлодига ўтди. Аббосий халифалар қўлида дунёвий мулк қолмади, балки фақат диний-этикодий назорат қолди холос. Аббосийлар авлоди дунёвий раҳбар эмас, балки Ислом пешвоси эди».

Бувайҳийлар асли форслардан эди ва шийъа мазҳабига эътиқод қилишарди. Тарихий манбаларда ёзилишича, уларда зулм ва туғён ҳолатлари кўп учраган, улар аҳли сунна ва шийъа мазҳаблари ўртасида ихтилофлар кучайишини қўллаб-қувватлашган, ҳаттоки Аббосийлар халифалигини Фотимийлар халифалигига айлантиришни режалаштиришган. Сиёсий манфаатлари бўлмаганда ва ҳокимиятни йўқотишдан қўрқишмаганда шундай қилишарди ҳам. Гарчанд халифани барча имкониятлардан маҳрум қилишган бўлса ҳам бувайҳийлар ўз қудратини узоқ вақт сақлаб қола олишмади, аксинча бувайҳийларнинг амирлари ҳокимиятни тақсимлашда ихтилофларга боришди ва уларнинг аввалги бирдамлигига путур етди.

Аббосийлар халифалиги заифлашгани каби Бувайҳийлар ҳам заифлашган пайтда Абул Ҳорис Арслон ал-Басосирий деган лашкарбоши пайдо бўлади ва кучайиб хатарли бўлиб боради. У охир-оқибат халифа ал-Қоим Биллаҳни Бағдоддан чиқариб юборади ва минбарларда Мисрдаги Фотимий халифалардан бири бўлмиш Мунтасир Убайдийнинг номига хутба ўқиттиради.

Ана шундай оғир замонда Салжукийлар пайдо бўлади. Улар қўмондон Туғрулбек бошчилигида Хуросонда ўз давлатини барпо этади. Аббосийлар халифаси Салжукийлар давлатини тан олади ва мазкур давлат шаръий мақомга эга бўлади. Сўнг халифа Салжукийлардан ёрдам сўраб уларнинг Бағдодга келишини ва Бувайҳийлар истибдодига чек қўйишини ҳамда Басосирий фаолиятини йўқ қилишини сўрайди. Салжукийларнинг илк султони Туғрулбек ҳижрий 447 йилда Бағдодга киради, Бувайҳийларнинг сўнгги амирини қўлга олади ва Басосирий фаолиятини тўхтатади. Шунингдек ҳижрий 450 йилдаги жангда Басосирийни ўлдиради ва халифа ал-Қоимни Дорул хилофа қароргоҳига қайтаради [2].

Салжукийлар ҳукмронлигининг аввалида юртдаги ишлар анча барқарорлаша бошлаган, бироқ гоҳ-гоҳида ғалаёнлар ва фитналар юзага келарди. Хусусан мазкур давр охирида Салжукий султонлар ўзаро келишолмай давлат бошқаришда мусобақалашгандан кейин бу

нарса кўринди. Ҳижрий 465 йилда эса Карх аҳли ва Бобул Басра аҳолиси ўртасида катта фитна чикиб қиргин-барот жанг бўлади ва кўп одам nobud бўлади. Кархнинг катта қисмига ўт кетади.

Ҳижрий 482 йилда аҳли сунна ва Карх аҳли ўртасидаги фитна кучайиб кетади ва 200га яқин киши ҳалок бўлади.

Ҳижрий 465-485 йилларда Маликшоҳ Салжукий даврида содир бўлган хатарли сиёсий воқеалардан бири Ботинийлар ҳаракати бўлиб, мазкур ҳаракат Аббосийлар халифалигига хавф сола бошлайди. Ботинийлар ҳаракати одамлар орасида бузуқ, нотўғри фикрлар тарқатарди. Ботинийлар ҳаракати издошлари ўзларининг адаштирувчи акийдаларини тарқатишда куч ҳам ишлатишган, йўлига тўғанок бўлганларни йўқ қилишга уринишган. Уларнинг бундай жинойтларининг қурбонларидан бири вазир Низомулмулкдир. Ҳижрий 485 йилда Ботинийлар ҳаракати издошларидан бири вазир Низомулмулкни ўлдиради [6].

Салжукий султонлар ўз ҳукмронлиги даврида Ироқ ва бошқа тобе юртлардаги ишларни бошқаришган ҳамда мазкур юртларни идора қилиш учун ўз ноибларини тайинлашган. Улар давлатнинг молиявий манбаларини қўлга олиб Салжукий султонга юборишган. Салжукий султонлар халифалар билан мусобақалашаётган ва ҳукмдорликнинг шаклий кўриниши халифаларникига ўхшаш бўлган, яъни масжидларда ўз номларига хутба ўқиттиришган ҳамда пулларга ўз исмларини туширтиришган.

Салжукий султонлар ўртасида бирдамлик йўқолиши ва давлатни бошқариш борасидаги низолар натижасида араб ислом уммати турли ерларда заифлик ва тафриқадан азият чека бошлади. Оқибатда Ислом оламига қарши илк салиб юришлари бошланди. Тарихий манбаларда салибчиларнинг жинойтлари ҳақида шундай ёзилган: «Ҳижрий 492 йилда Овруполиклар Байтул Макдисга ҳужум қилиб етмиш минг мусулмонни ўлдиришди, жумладан кўплаб уламолар ва диний пешволарни йўқ қилишди».

Ижтимоий ҳолат. Ҳижрий бешинчи асрдаги сиёсий ҳолатдаги ғалаёнлар ижтимоий

ҳолатга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жамиятда кескин табақаланиш юзага келди, турлиб табақадагилар ўртасида тартиб-мувозанат йўқолди. Чунки бир томонда халифалару амирлар дабдабаю ҳашаматга берилган бўлса, бошқа томонда оддий халқ фақирлик, муҳтожлик, турли касалликлар ва вабодан азият чекарди. Қолаверса баъзи амирларнинг саройларида фасод ва бузуқликка йўл қўйилди, шунингдек, халқ ичида шаръий ҳукмларни бузиш кенг тарқалди.

Жамиятнинг энг юқори табақалари сирасига ҳукмдорлар, катта амалдорлар ва улар билан бирга раҳбариятда ишлайдиганлар ҳамда қўмондонлар кирар эди. Аввалига Бувайхйлар, сўнг Салжукийлар сулоласининг амирлари юртдаги мол-дунё ва бойликларни ўзлаштириб олиб шахсий манфаатлари учун сарфлашган.

Олимлар ва толиби илмлар барча одамларнинг ҳурматини қозонган эди. Халифалар билан амирлар ҳам илмий фаолият равнақи учун аҳли илмларга алоҳида эътибор қаратишарди. Ушбу даврнинг ижтимоий кўринишларидан яна бири қуллар ва чўрилар савдоси бўлиб, улардан турли мақсадларда фойдаланилган. Шунингдек ушбу даврда баъзи мамлуклар, яъни озод этилган қуллар имконият туғилганда юқори мартабани эгаллаб лашкарларни бошқаришган ва катта давлатга асос солишган. Мисол учун Ғазнавийлар давлатининг аосчиси Сабуктегин ва туркий қўмондон ал-Басосирий шундай кишилар жумласидандир.

Жамият араблар, форслар ва турклардан иборат бўлган. Уларнинг аксарияти Ислом динини қабул қилишган. Шунингдек, яҳудийлар, насронийлар ва мажусийлар улар билан ёнма-ён яшаган. Тарихчиларнинг халифалар ва амирларнинг дабдабаю ҳашаматга берилиб кетганига қатор мисоллар келтиришган, жумладан улар қасрлар қуришда мусобақалашаётган, яъни қасрларнинг нақадар гўзаллиги, биноларининг баландлиги ва атрофида боғларнинг қанчалик кўплиги борасида кимўзарлик қилишган, шунингдек, таомларнинг нақадар нафислиги, ранг-баранглиги ва хилма-хиллиги борасида, ҳамда овқат дастурхонини гуллар ва райҳонлар билан безатиш борасида мусобақалашаётган.

Мазкур табақа вакиллариининг дабдабозлигига яна бир мисол қуйидагича. Маликшоҳ Салжукий қизини қандай узатганини Ибн Касир шундай таърифлайди: «Султон Маликшоҳнинг қизининг сепи устига румий кимхоб ёпилган 130 та туяга ортилган ҳолда Дорул хилофа қароргоҳига олиб келинди. Сепнинг аксар қисми олтин ва кумуш идишлардан иборат эди. Шунингдек, устига хилма-хил шоҳона кимхоб ёпилган 74 та хачир ҳам бор эди. Уларнинг қўнғироқлари ва занжирлари тилла ва кумушдан эди. Хачирларнинг олтитасига ўн иккита кумуш сандиқ ортилган эди. Мазкур сандиқларда эса хилма-хил қимматбаҳо тошлар ва тақинчоқлар солинганди. Хачирларнинг олдида 33 та от борар эди. Отларнинг эгарлари тилладан бўлиб қимматбаҳо тошлар билан безатилганди» [7].

Бир томондан амирлару бойлар дабдабозликка берилган бўлса бошқа томондан баъзи йилларда юртда қимматчилик, қаҳатчилик ва вабо ҳукмрон бўларди. Натижада оддий халқнинг катта қисми нобуд бўлди. Мисол учун ҳижрий 441 йилда бўлган ҳодисани олайлик. Мовароуннаҳр тижоратчиларидан бири ёзган китобда айтилишича бу ўлкада вабо тарқалиб ниҳоятда катта талофат етказган ва ҳаттоки бир кунда 18 000 жаноза ўқилган экан. Китоб муаллифи ўлганларни санаб шу китобни ёзган. Вабо қурбонларининг сони 1 750 000 га етган. Бу юртни кезган одамлар бўм-бўш бозорларни, кимсасиз кўчаларни ва қулфланган эшикларни кўришган.

Мазкур асрга хос ижтимоий кўринишлардан яна бири шуки, қароқчилар кўпайиб талон-тарожлик билан шуғулланишган ҳамда сиёсий ва ижтимоий оғир шароитда одамлар орасида кўрқув тарқатишган. Сиёсий бошбошдоқлик ва давлатдаги мувозанатнинг бузилиши сабабли иқтисодий ҳолат ҳам барқарор бўлмаган. Одамларнинг зиммасига жуда оғир солиқлар солинган.

Юқоридаги ҳолатларга қарамай тарихчилар мазкур даврнинг ёрқин манзараларини ҳам зикр қиладилар, жумладан халифалар, амирлар ва оддий халқ ўз диққат-эътиборини деҳқончиликка, саноатга ва тижоратга ҳам қаратган. Одамларнинг мазкур диққат-эътибори сиёсий ва ижтимоий шарт-шароитнинг

ўзгаришига қараб кўпайиб ёки камайиб турган кўринади.

Маданий ҳолат. Турли замонлардаги илмий фаолиятларни тадқиқ қилиш натижасида шундай хулосага келинди: Турли йўналишларда илмга хизмат қилиш бўйича мусулмон олимларига етадиган уммат бўлмаган. Чунки улар барча илмий ихтисосликларда кўзга кўринган эди. Уларнинг аксарияти ўз замонасидаги барча илмларни пухта эгаллашган ва етук аллома бўлиб китоблар ёзишган.

Имом ал-Ҳалвоний роҳимаҳуллоҳ замонидagi маданий ҳолат сиёсий ва ижтимоий ҳолатларнинг таъсирига тушмаган, балки илмий уйғонишга олиб келган. Баъзи ўлкаларнинг халифалик марказидан узилиши Ислом оламида маданият манбаларининг кўпайишига сабаб бўлган. Бағдод шаҳри Шарқдаги маданиятлар маркази бўлгандан кейин унинг қаторида бошқа маданият марказлари ҳам пайдо бўлди, жумладан Қоҳира, Дамашк, Бухоро, Нишопур ва Андалус. Мазкур маданият марказларида турли илмлар ва адабиёт гуллаб яшнади, чунки халифалар, султонлар ва амирлар бунинг учун яхши шароитлар яратиб берди ҳамда мадрасалар ва кутубхоналар қуришда ўзаро мусобақалашди [8].

Хукмдорларнинг илмга бўлган эътибори кўплаб уламоларнинг етишиб чиқишига ва китоблар ёзишига сабаб бўлган. Уламолар турли илмлар, жумладан тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, тилшунослик, тиб, фалакшунослик, тарих ва тарожимга оид китоблар ёзишган.

Илмий фаолиятни кенгайтириш ва ёйишга ҳисса қўшганлар орасида вазир Низомулмулкнинг исми ҳам бор. У одам ҳозирги кундаги замонавий университетларга ўхшаш халқаро мадрасалар қурилишига ҳисса қўшган. Мазкур мадрасаларда мударрислик қилган уламоларга ва толиби илмларга таом ва бошпана бериларди, шунингдек, таълим ва бошқа эҳтиёжлар учун сарфланадиган вақфлар ҳам бор эди. Бундай мадрасалар нафақат катта шаҳарларда ва пойтахтларда қурилган, балки Ислом оламининг шарқдан ғарбга бўлган барча ерлари бўйлаб бино қилинган эди, бирор шаҳар мадрасасиз қолмаган.

Бағдоддаги мадрасалар сони тахминан ўттизга етган. Уларнинг энг машҳурлари

Низомия мадрасаси, Абу Саъд Сарахсий мадрасаси ва Абу Ханифа мадрасаларидир. Нишопурда ҳам Бағдоддаги каби Низомия мадрасаси қурилган.

Аммо Имом ал-Халвоний роҳимахуллох ўсиб улғайган ва уламолардан илм олган Бухоро шаҳрига келсак, ас-Саолибий бу шаҳарга қуйидагича таъриф берган: «Бухоро Сомонийлар ҳукмронлиги даврида шон-шухрат макони, салтанат қаъбаси ва замонанинг машҳур кишилари жамланган, ер юзи ва ўз даврининг фозил кишилари йиғилган жой эди», - деган [9].

Бухоро шаҳрида ва умуман олганда Мовароуннаҳрда илмий фаолият кучли бўлганига далил сифатида айтиш мумкинки, кўплаб катта олимлар Мовароуннаҳр шаҳарлари номи билан номланишган. Жумладан: ал-Бухорий, ат-Термизий, ан-Насафий, ал-Мотуридий, ад-Дабусий, ал-Баздавий, ад-Доримий, ал-Фаробий, ал-Хоразмий, аз-Замахшарий, ал-Марвазий, ас-Самарқандий, аш-Шоший, ал-Марғилоний ва Ас-Сарахсий.

Мадрасалар қуриш билан бир қаторда кутубхоналар ҳам қурилган бўлиб, у ерда минглаб китоблар ва илмий қомуслар бўлган. Ёкут Ҳамавий Мовароуннаҳр ўлкасининг Марв шаҳридаги кутубхоналарни қуйидагича таърифлаган: «У ерда ўнта кутубхона вақф қилинган экан. Дунёда бунақасини кўрмаганман. Улардан иккитаси ниҳоятда бой кутубхона бўлиб, бири жоме масжидада жойлашган экан. У кутубхона ал-Азизийя деб аталади. Уни Азизуддин Абу Бакр Атиқ аз-Зинжоний ёки Атиқ ибн Абу Бакр деган одам вақф қилган экан. У киши умрининг аввалида Марв бозорида мевафурушлик қилиб кейин эса султон Санжарнинг шаробчиси бўлган экан. Мазкур кутубхонада тахминан ўн икки минг жилд китоб жой олган эди. Иккинчи кутубхона эса ал-Қамолийя деб аталади. У кимга мансуб эканини билмадим. Шунингдек, Шарафул Мулк ал-Муставфий Абу Саъд Муҳаммад ибн Мансур кутубхонаси шу номли мадрасада жойлашган. ал-Муставфий хижрий 494 йилда вафот этган. У киши ҳанафий мазҳабида бўлган [9].

Низомулмулк Ҳасан ибн Исҳоқ кутубхонаси шу номли мадрасада жойлашган. Самъонийларнинг иккита кутубхонаси бор. Бошқа бир кутубхона Амидия мадрасасида

жойлашган. Шунингдек, вазирлардан бири Маждулмулкнинг кутубхонаси бор. Хотуния кутубхонаси шу номли мадрасада жойлашган бўлиб, Зомирия кутубхонаси эса унинг хонақосида жойлашган. У ер жуда қулай жой эди, шароити уйимдан фарқ қилмасди. Икки юздан ортиқ китобни гаровсиз олиш икки юз динор эди. У ерда (илмий изланиш олиб бориб) вақтим мароқли ўтди, кутубхоналардан кўп фойда олдим. Мазкур кутубхоналарга бўлган муҳаббатим бошқа диёрларни унуттирди, ҳаттоки аҳли оилам ва фарзандларимдан эътиборимни четга тортди. Ушбу китобдаги ва бошқа китобларимда тўплаган фойдали маълумотларимнинг аксариятини ўша кутубхоналардан олганман» [10].

Китоблардан нусха олиш, китоб ёзиш ва сотиш учун махсус бинолар ва бозорлар бўлган. Бундай биноларнинг баъзилари кенг бўлгани учун у ерда илмий мунозаралар ва изланишлар бўлиб ўтган. У ерда дўкандорлар, қоғозфурушлар ва нусха кўчирувчилар ҳам бўлган.

Илм олиш фақат бир томонлама бўлмаган, балки илм олишнинг воситалари кўпайган, жумладан илмий сафарлар қилинган. Гарчанд сафар қилишнинг ўзига яраша машаққати бўлса ҳам уламолар бундай илмий сафарларни қилишга ғайрат қилишган. Уларнинг бир юртдан бошқа юртга қилган сафарлари фикрлар алмашинуви натижасида маданий фаолиятнинг ривожланишига, олимларда тафаккур сарҳадларининг кенгайишига, ҳақиқатларни янада чуқурроқ англашга сабаб бўлган. Одамлар турмушида рўй берган воқеаларга оид кўплаб саволлар бергани учун уламолар фатво бериш учун янада кўпроқ изланишган ва фатволарга (ҳамда турли муаммоларга) оид китоблар ёзишган. Шу тариқа Исломификҳи янада ривожланган.

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотлардан ушбу даврдаги маданий ҳолат ҳақида хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Исломи оламининг турли бурчакларидаги илмий фаолият бири-биридан ажралиб қолмаган. Ироқ, Шом, Ҳижоз, Миср, Андалус ва Мовароуннаҳрдаги илмий

мухитлардаги маълумотлар бир-биридан кескин фарқ қилмаган. Қолаверса, араб тили барча учун илм тили бўлган.

Мазкур илмий мухитларни ўзаро боғлаш ва бир-бирига яқинлаштиришнинг энг асосий воситаси толиби илмларнинг эркин сафар қилиш имкони эди. Бу имконият уларга уламолардан бевосита эшитиб илм олиш имконини берарди. Уларнинг илм йўлидаги меҳнатлари ниҳоятда самарали бўлиб ҳозирги кунда улардан мерос қолган кўплаб китоблар кутубхоналаримизни тўлдириб турибди. Турли илмларга оид китоблар ёзиш борасида у замон уламолари ўз давридан ўзиб кетишган эди.

Кўплаб табақот ва тарожим китобларида зикр қилинганидек уламоларнинг турли соҳаларга оид китоблар ёзиб қолдиргани Имом ал-Ҳалвоний роҳимахуллоҳ яшаган мазкур давр чинакам илмий ва маданий уйғониш даври бўлганига ёрқин далил бўлади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Шахабуддин Абу Абдулла Яъқуб бин Абдулла ал-Ҳамавий ар-Румий ал-Бағдодий. Му'ҷам ал-булдан. – Байрут: 1968, 1/250.
2. Ислом мамлакатлари тарихи ва ҳукмрон сулолалар. 279/1
3. Иззаддин Абулҳасан Али бин Абулқарим. Ал-Камил фи ат-тарих. Иккинчи босма, 1965, 188/9.
4. Иброҳим Заки Хуршид, Аҳмад аш-Шантанавий. Даират ул-маариф ал-ислабийати. Биринчи босма. Тиллар факультети, Ҳинд адабиёти, Афғонистон, 206/3.
5. Ҳасан Аҳмад Маҳмуд, Аҳмад Иброҳим аш-Шариф. Ислом олами аббосийлар даврида. Иккинчи босма, 1973, 283-308 б.
6. Ҳасан Иброҳим Ҳасан. Ж.1, Мактабат ул-наҳдат ал-мисрийати, 1959.
7. Мухйиддин Абу Муҳаммад 'Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад ибн Аби-л-Вафа' ал-Қураши ал-Ҳанафий. Ал-жавохир ал-муддийа фи табақат ал-ҳанафийа, 1/318.
8. Ал-Амир Абу Наср 'Али ибн Ҳибат Аллоҳ ибн 'Али Ибн Мақула ал-'Иджли. Ал-Икмал фи раф' ал-иртийаб 'ан ал-му'талаф ва-мухталаф мин ал-асма' ва-л-куна ва-л-ансаб. – Байрут: Дар ул-кутуб илмийа, I жилд, 1411 ҳ, 3/111.
9. Ходжи Халифа. «Кашф аз-зунун 'ан асами ал-кутуб ва-л-фунун», 1/46
10. Абдуали Абулқарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамими ас-Самани. Ал-Ансаб. Ҳинд: 1385 ҳ, 2/248.
11. И'мадиддин Аби ал-Фидаи Исма'ил бин ал-Хатиб Аби Хафс Умар бин Касир ал-Қураший ад-Димашқий. Сира а'ламу ан-нубалаи. Байрут: Мактаб ал-ма'ариф, 1974, II жилд, 12/183.